

Ҳақиқий пардоз



08:00 / 01.07.2020 2578

Саъд ибн Абу Ваққос билан Холид ибн Валид розияллоҳу анҳумонинг орасидан гап ўтиб қолди. Кейин бир киши Саъднинг олдида Холидни ғийбат қилмоқчи эди, Саъд унга шундай деди: «У билан ўртамизда бўлиб ўтган нарсанинг динимизга асло алоқаси йўқ!»

Бир гўзал мўмина аёлдан қандай пардоз қилиши ҳақида сўрашди. У шундай жавоб берди: «Лабларимни ростгўйлик билан бўяйман. Кўзларимни раҳмат, меҳр-шафқат билан бўяйман. Овозим чиройли бўлиши учун Қуръон ўқийман. Қўлларим чиройли бўлиши учун кўп эҳсон қиламан. Қадди-қоматим келишган, тик бўлиши учун фақат рост гапираман. Қалбимни эса Аллоҳ таолога чин дилдан ихлос-муҳаббат билан безайман».

«Солиҳлар гулшани» китобидан